Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

معرفت

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси — 1931 йилдан чиқа бошлаган — 1993 йил 29 сентябрь, чоршанба — № 62 (6573). Баҳоси сотувда эркин нархда.

ЎҚИТУВЧИ–УСТОЗ, МУРАББИЙ!

Ҳа, ўқитувчи — устоз, мураббий! У — жамият маънавиятининг зиёбони, илму фан гулшанининг боғбони. Шу важдан қадим-қадимдан мамлакатимизда, умуман, Шарқда муаллим аҳлининг қадри баланд бўлган, эл-юртда эъзозланган. Халқ ҳикматларида эса «Устоз — отангдан улуғ» деб таъкидланиши ҳам бежиз эмас. Зотан, ўқитувчининг масъулиятли фаолияти, машаққатли сабоқлари туфайли эл фарзандлари савод чиқариб, оламни танийди, ўзлигини кашф этади, камол топиб, Ватаннинг етук фуқаросига айланади. Шунинг учун инсон боласи ҳар қадамда биринчи мураббийси — меҳри қуёш муаллимини ҳотирлайди, турмуш чорраҳаларида унинг сабоқларига суянади, номини ифтиҳор билан тилга олади, ҳурматини бажо келтиради.

Ҳар бир ўғил-қиз тасаввурида муаллим улуғ зот, поклик ва адолат тимсоли, буюк донишманд, зиёкор инсон. У бола руҳиятини келажакка тайёрловчи муҳандис — бунёдкор. Шунинг учун ҳам қадим-қадимдан шоирларимиз устозларни улуғлаб қасидалар ёзишган, уларни жамият ҳаётининг боғбонлари деб таърифлашган. Улуғ бобомиз Алишер Навоий эса ўқитувчини шундай эъзозлайдилар:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Чиндан ҳам ўқитувчилар минг-минг йиллар давомида эл-юрт эъзозига сазовор бўлиб келаётган мўътабар касб соҳибларидир. Улар меҳнатининг самараси ҳамиша жамият равнақида, маънавият юксалишида, инсон тафаккурининг буюк гултожлари — кашфиётлар яралишида намоён бўлган. Буюк давлатлар юксалиш йўлини таълимни ривожлантиришдан, ёш авлод мураббийларини эъзозлашдан, ўғил-қизлар камолоти учун ғамхўрлик қилишдан бошлаганликларига мозий ҳам, бугунги кун ҳам гувоҳ.

Келажаги буюк мустақил Ўзбекистон раҳбарияти ҳам халқ таълимига эътиборни ўзининг бош вазифаларидан бири, ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда узлуксиз устивор йўналиш деб ёндашаётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ таълими ходимларини, талабалар ва мактаб ўқувчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги фармонлари, Республика Олий Кенгаши «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилганлиги, мамлакатимизда янги-янги университетлар, олий ўқув юртлари, янги типдаги мактаблар ташкил этилганлиги, ёшларнинг чет эллларга бориб ўқиши учун имкониятлар яратилганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Булар — истиқлол куртаклари!

Мустақиллик туфайли мамлакатимиз халқ таълимида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Янги хилдаги мактаблар, иқтидорлиларни саралаб ўқитиш, ўғил-қизларга таълим-тарбия беришда хилмахил дастурларга таяниш, компьютер техникасидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш, билимларни синашда тест усулини қўллаш ва шу каби қанча-қанча янгиликлар Ўзбекистон миллий мактаби қиёфасини шакллантиришдаги дастлабки муҳим одимлардир. Бундай кенг кўламли ва масъулиятли устивор йўналишдаги вазифаларни амалга оширувчи бош ижрочи куч муаллимлар, тарбиячилар, профессор-ўқитувчилардир. Давр улардан муттасил изланишни, таълим-тарбияда миллий ва жаҳон педагогикаси ютуқларига асосланган янги усулларни қўллашни, ижодкорликни талаб этаётир. Улар изланишларининг самаралари ўқувчилар олимпиадаларида, «Йил ўқитувчиси» танловларида, ўқитувчилар ижодкорлиги кўргазмаларида, педагогик ўқишларда яққол намоён бўлмоқда. Илғор ўқитувчи бугунги кунда намунали дарс берибгина қолмай, кенг кўламда ижодий ишлар қилмоқда, янгиянги дарсликлар, қўлланмалар, ўқитишнинг кўрсатмали воситаларини яратмоқда, дастурлар, концепциялар ишлаб чиқишда фаол қатнашмоқда.

Кўп асрлик тарихга эга халқ педагогикасига, ўзбек мактаби таълим-тарбия тажрибаларини бойитишга ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори, Ҳамза, Оқилхон Шарофутдинов каби атоқли педагоглар илмий-амалий меросига таянган илғор, ижодкор ўқитувчиларимиз мустақил Ўзбекистон мактабининг бугунги қиёфасини шакллантиришга бутун куч-ғайратларини сафарбар этаётирлар. Улар орасида «1992 йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг ғолиблари қашқадарёлик она тили ва адабиёт ўқитувчиси Яшнарбек Авлоқулов, сирдарёлик риёзиёт фани ўқитувчиси Мавлуда Қаюмова, Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳридан Қоддибой Усмонов, Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидан Раъно Солиевалар, янги дарсликлар яратган педагоглардан Т. Азларов, Ш. Абдураҳмонова, М. Холмирзаева ва бошқаларнинг борлиги қувонтиради кишини.

Ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан янгиланаётган таълимда ўқув сифатини ошириш, камол топаётган ўғил-қизларни яқин келажакнинг билимдон, ватанпарвар, маънавий юксак фуқаролари этиб шакллантириш мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари кўп минг кишилик педагог-ўқитувчиларнинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун ҳар бир муаллим билимдонликда ҳам, ижодкорликда ҳам, амалий фаолиятда ҳам, яшаш тарзида ва одоб-ахлоқда ҳам ёш авлодга чинакам намуна бўлмоғи зарур.

Ҳар бир ўғил-қиз тасаввурида ўқитувчи донишмандлик, поклик ва адолатгўйлик тимсоли. Зотан, бола муаллимга ишонади, фаолиятида унинг сабоқларига суянади, сўзларига амал қилади, ҳаётда ундан ибрат олади. Бу ўқитувчи учун энг улуғ қадр-қимматдир. Ана шу қадр-эъзозни муносиб оқламоқ учун муқаддас касб соҳиблари тинимсиз ўқишлари, изланишлари, билим ва маҳоратларини муттасил оширишлари, шу билан биргаликда инсонийликка хос энг яхши фазилатларни ўзларида намоён қила билишлари керак. Чунки педагог оддий дарс берувчи кишигина бўлиб қолмай, айни пайтда ёш авлод онгида жамият мафкурасининг шаклланишига муҳим таъсир ўтказувчи шахсдир. Муаллим зиёбонлигининг моҳияти ҳам ана шунда.

Ватанимиз мустақиллиги, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг ҳаётга жорий этилиши, халқ таълими ходимларига берилган имтиёзлар, ўқув-тарбия ишидаги туб ўзгаришлар — буларнинг ҳамма-ҳаммаси бугунги ўқитувчининг чин маънода эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратди. Мўътабар касб эгаларининг анъанавий байрами арафасида кенг жамоатчилик уларни қизғин қутлар экан, шогирдлари — ўқувчилар уларнинг қўлларига гулдасталар тутар экан, ота-оналар фарзандлари тарбиясидаги саховатли иши учун уларга миннатдорчилик билдирар экан, таълим-тарбия ишининг муҳандислари жамият яратган имкониятлардан фойдаланиб, ёш авлодни келажакнинг муносиб ворислари этиб етиштирадилар, дея ишонч билдирадилар. Шубҳа йўқки, ҳар бир муаллим-зиёбон бу юксак ишончни оқлаш учун ўз билими, заковати, маҳоратини, аямайди, Ватанимиз равнақининг узлуксиз устивор йўналишдаги вазифаларини собитқадамлик билан амалга ошириш учун куч-ғайратини сафарбар этади. Бу ёрқин истиқбол умидбахшлигидир.

Р. АЛЬБЕКОВ сурат-лавҳаси.

МДҲ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг Иқтисодий ҳамжамиятини барпо этиш бугунги кун заруратидир. Ана шу мақсадда шу йилнинг 23 сентябрида Россия, Украина, Беларус, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Молдова, Тожикистон, Арманистон ҳамда Озарбайжон республикаларининг раҳбарлари Москвага тўпланишди. Ўзбекистон делегациясига Президент Ислом Каримов бошчилиқ қилди.

24 сентябрда Кремлнинг Екатерина залида давлат бошлиқларининг ёпиқ эшиклар ортида мулоқоти бўлиб ўтди. Бу ерда Иқтисодий ҳамжамият ҳақидаги шартнома имзоланди. Музокаралар-нинг иккинчи қисми эса «Президент отелда» бошланди. Бу ерда давлат ҳамда ҳукумат бошлиқлари ўнлаб масалаларни қамраб олган ҳужжатларни имзолашди. Улар орасида МДҲ аъзолари бўлган давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгаши тўғрисидаги низом, МДҲ бирлашган қуролли кучлари бош қўмондонлигини қайта тузиш, шунингдек божхона ва солиқларга оид масалалар ҳам мавжуд эди. Муҳокама этилган бир қанча масалалар Тожикистонга бағишланди. Ушбу республика ҳудудида тузиладиган бирлашган мудофаа кучлари тўғрисидаги низом ҳамда бирлашган мудофаа тизимини ҳамкорликда моддий-техникавий таъминлаш чоралари, Тожикистонга ёрдам жамғармаси тузиш шулар жумласидандир. Шунингдек, МДҲ давлат бошлиқларининг учрашувида рубль зонаси муаммоларига оид масалалар ҳам кўриб чиқилди. Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳам рубль зонасида қоладиган бўлишди.

— Тарихий воқеа юз берди, — деди Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Москва аэропортида журналистларга, — биз анчадан буён кутиб юрган Иқтисодий ҳамжамият барпо этилди. Ишончим комилки, бу шу кунгача тўпланиб ётган қатор иқтисодий, хўжалик, молия, солиқ, қолаверса, ҳуқуқ бўйича бир қанча масалаларни амалий тарзда ҳал этишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ НЬЮ-ЙОРКДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йоркка келди.

Президент Бош Ассамблея сессиясида қатнашади, нутқ сўзлайди, шунингдек бир қатор давлатларнинг вакиллари билан учрашишни ҳам кўзда тутади. У Тошкентдан жўнаб кетаётиб, журналистларга ана шу ҳақда ахборот берди.

Султон АҚБАРИЙ

ЗИЁБАХШ

Тоза қон айланган бадан ичра,
Қадрият тикланган Ватан ичра,
Эрк гули уфурган чаман ичра,
Офтобдай зиёбахш муаллимлар,
Олтин узукка нақш муаллимлар.

Қадимдан мактабдор Туронбобо,
Асрлар қаърида ҳақдин нидо,
Пирларки кароматсоҳиб, доно,
Қўнгилга сафобахш муаллимлар,
Олтин узукка нақш муаллимлар.

Мадраса тупроғин ялагандай,
Зиж тузиб кавкабга қарагандай,
Тафаккур нурларин тарагандай,
Меҳригиёбахш муаллимлар.
Олтин узукка нақш муаллимлар.

Бир ҳарфни танишдан ўқишгача,
Бир ипни чийлашдан тўқишгача,
Бир ҳалол луқмани чўқишгача,
Мураббий, дунёбахш муаллимлар,
Олтин узукка нақш муаллимлар.

Мижжалар бедорхоб сабоҳларда,
Фикрлар уюми қабоқларда,
Минг яшаб олади сабоқларда,
Ақлга жилобахш муаллимлар,
Олтин узукка нақш муаллимлар.

Одамни қилгунча то одамий,
Неча бор ўзгарар руҳ олами;
Ҳалиям қошида мен бўз болами,
Лутфлари шифобахш муаллимлар,
Олтин узукка нақш муаллимлар.

Пок имон, пок лисон, илми ҳикмат,
Жон-дили, дуоси элга хизмат,
Толибда пайваста эзгу хислат,
Бедилга навобахш муаллимлар,
Олтин узукка нақш муаллимлар.

Тоза қон айланган бадан ичра,
Қадрият тикланган Ватан ичра,
Эрк гули уфурган чаман ичра,
Чароғбон, зиёбахш муаллимлар,
Инсон тожига нақш муаллимлар.

27 сентябрь 1993 йил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

З. И. ЕСЕНБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ЖАМҒАРМА БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Зиёд Исломович **Есенбоев** Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқарувининг раиси этиб тайинлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 24 сентябрь.

Обуна–94

«МАЪРИФАТ»ЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Ҳурматли газетхонлар!

Ҳар йилдагидан бир оз кечикиб бўлса-да, жумҳуриятимизда барча вақтли матбуот нашрларига, шу жумладан «Маърифат» газетасига ҳам 1994 йил учун обуна бошлаб юборилди. Обуна мавсумининг кечикиши биз журналистларни эмас, сизни ҳам безовта қилаётганлигини таҳририятимизга келаётган хатларингиз ва қўнғироқларингиздан билиб-сезиб турибмиз. Дарҳақиқат, қоғоз тақчиллиги ва нархининг ой сайин кўтарилиб бораётганлиги, босмахона ва етказиб бериш харажатларининг ошиб кетиши газеталар нашрига жиддий таъсир кўрсатиб келмоқда. Жумладан, илгари ҳафтасига 3 марта чиқиб келаётган «Маърифат» газетаси, кейинроқ 2 мартадан чоп этиб келинган бўлса, бугун уни фақат бир марта олаяпсиз.

Шубҳасиз, ўтган йилги обуна пуллари биринчи ярим йилдаёқ тугаб кетганлигини назарда тутсак, газетани йил охиригача ўқувчиларга етказишнинг ўзи бўлмайди. Бугун газета қўлингизга бориб турган экан, бу ҳукуматимиз, хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этиш тўғрисидаги Фармони шарофатидир. Фармонга биноан газетамизга Жамғарма фонди 20 миллион сўм ажратди. Муассисларимиз Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги газетамизни бундан буён нашр этиш масъулиятини ўз зиммаларига олмоқдалар.

Ана шундай эътибор ва саъй-ҳаракатларга кўра «Маърифат» газетасини 1994 йилдан эътиборан ҳафтасига яна 2 мартадан олиш имкониятига эга бўласиз.

Ҳурматли газетхонлар!

Азиз педагоглар, профессор ва ўқитувчилар, таълим-тарбия масканлари заҳматкашлари!

«Маърифат»нинг мунтазам чоп этилишида сизнинг обуна бўлиш орқали иштирокингиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўз газетангиз, доимий ҳамроҳингиз «Маърифат»га обуна бўлишни унутманг!

1994 йилда газета саҳифаларида мустақил Ўзбекистонимизда таълим-тарбияга оид кечаётган барча илмий, услубий, ижодий янгиликлар, дастурлар, муҳим йўлланмалар билан танишасиз.

Халқ таълимидаги туб ўзгаришлар, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ислоҳотлар, миллий ҳамда жаҳон маорифидаги илғор тажрибаларни мунтазам ўқиб борасиз. Жумҳуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, инсонпарварлик, ватанпарварлик, юксак ахлоқ меъёрларини шакллантириш, миллий мактаб ва боғча муаммолари, миллат соғломлиги, меҳнатга ижодий муносабат, эзгу инсоний идеаллар 1994 йилда газетамизнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Асрлар давомида шакллган, жаҳоний эътибор қозонган бой тарихий, маданий, маънавий меросимизнинг таълим-тарбияга оид намуналари йил давомида чоп этиб борилади.

Газета саҳифаларида сиз ўқитувчи маънавияти, ахлоқий тарбия муаммолари, қишлоқ мактаби аҳволи ҳақидаги материаллар билан танишиб борасиз.

Таълим ходимлари, камол топаётган ўғил-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш газета фаолиятидан мустаҳкам ўрин олади.

Мақсадимиз — орзу-интилишларингизга кўмак бериш, дарду ташвишларингизни енгиллатиш, мустақил Ўзбекистонимизнинг баркамол фарзандларини тарбиялашдек шарафли хизматингизни юзага чиқаришда иштирок этиш!

«Маърифат» — бу сизнинг бойлигингиз, «Маърифат» — бу сизнинг ўз газетангиз!

Обуна бўлишга шошилинг! Обуна барча алоқа бўлимларида, ўқув муассасалари, ташкилотлари ва мактабларда ўтказилади.

Обуна баҳоси:
бир йилга — 9840 сўм.
ярим йилга — 4920 сўм.
Индекс: 64595.

Ўзбекистон—Туркия:

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Хорижий мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб республикамиз билан кенг миқёсдаги маърифий алоқаларни бошлаб берган Туркия билан маориф соҳасидаги ўзаро шартномалар кўлами тобора кенгаймоқда. Янги ўқув йилида Туркияга таълим олиш учун кетадиган ва у ёқдан Ўзбекистонга келадиган талаба ва ўқувчилар сони сезиларли даражада ортди. Бу ҳол ўз ўрнида уларни қабул қилиш, жойлаштириш ва кўнгилдагидек яшаш шароитини яратишни тақозо этади.

Ўтган ҳафтада Ўзбекистонга ташриф буюрган Туркия делегациясининг асосий мақсади ҳам шу каби масалалар юзасидан бафуржа фикрлашиб олишдан иборат бўлди. Делегация республика Халқ таълими вазирлигида қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Муҳаммаджон Қорабоев, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчисининг маориф ишлари бўйича маслаҳатчиси Муаммар Ўздемир, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Жўра Абдуллаев, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевлар иштирок этишди.

М. Қорабоев туркиялик қардошларимизни Ўзбекистон заминига ташрифлари билан қутлади ва республикада ниҳоятда сергакликни талаб қиладиган ўтиш даврида аҳолининг кам таъминланган табақаларини, шу жумладан талаба ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Иккала мамлакат ўртасидаги, айнан маърифий соҳадаги ўзаро алоқаларнинг бундан буён ҳам кенгайишига, республика ҳукумати алоҳида эътибор беражагини таъкидлади.

Шундан сўнг асосий таркибини талабалар ётоқхонаси мудирлари, лицейларнинг шу масала билан шуғулланувчи кишилари ташкил этган Туркия делегацияси ҳамда республикамизнинг шу соҳадаги мутасаддилари мулоқот ўтказишди. Унда ўтган йилги талаба ва ўқувчиларни қабул қилиш ва жойлаштириш жараёнида юзага келган муаммолар айтилиб, бу галгисида уларга йўл қўймаслик чоралари белгилаб олинди.

Мухбиримиз.

Ўқитувчилар ҳақида ҳикоялар

ТАҚДИР БЕРГАН БАХТ

Истараси иссиқ, жиккаккина бу муаллимани ҳар кўрганимда Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак»идаги Саида образи кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳарҳолда мумтоз адиб Саида сингари типик образ яратаркан, ўзбекнинг олов қизлари борлигини кўз-кўз этмоқчи бўлган бўлса ажабмас. Чўрткесар, қадамидан ўт чақнаб юрадиган, қўлидагини бировга бермас, тутган жойидан узиб олгувчи шаддод, уддабуро бундай аёлларга рости, ҳаваси келади кишининг. Лавҳамиз қаҳрамони Назира Султонова ҳам шунақа аёллар тоифасидан.

Тўнғич ўғлимни мактабга жойлаштириш учун борар-канман, йўл-йўлакай қўшни муаллималарнинг у киши ҳақидаги гаплари эсимга тушиб, саросималандим. Муомалани тушунса кераг-ов, дея унинг олдига бордим. Илк муносабатдаёқ бу аёл менга шунчалик ёқиб тушдики, қўяверасиз. Ширин тил билан фарзандимни етаклаб, 1-ўқитувчисига таништирганди ўшанда. Одамларам қизиқ... дердим ўз-ўзимга.

Шу воқеага ҳам 15 йил бўлай дебди. Бирин-кетин уч ўғлим ана шу муаллима ишлаётган Бухоро шаҳридаги 22-мактабда таълим олиб чиқишди.

Кунларнинг бирида 9-синфда ўқиётган Рустамжон дарсдан келиб, «Ойижон, шу Назира опа зўр муаллима-да, у кишини ҳечам алдаб бўлмайди, кўзларингиздан ўқиб оладилар кимлигингизни. Ўта ҳақиқатпарварлар, шунинг учун баъзиларга ёқмайдилар. Ҳамма муаллимларам шунақа бўлса, кошкийди...», деб қолди. Боламнинг гапи мени ўйлантириб қўйди. У ҳақ эди. Назира опа ростданам ҳақиқатчи инсон. Ғиди-биди, ростёлғон майда гапларга тоқати йўқ. Икки касбдошининг кимнингдир ҳақида гапираётганини эшитиб қолса, ҳеч тап тортмай уялтиради: «Тарбиячи бўлиб сизлардан шу гаплар чиқса, ўқувчидан нимани кутиш мумкин». Қачон борсангиз, уни ўқитувчилар хонасида янги газета ё журналда босилган мақолалар баҳси устида ёхуд танаффусларда ўқувчилар гавжум мактаб йўлакларида болалар орасида учратасиз. Кимгадир танбеҳ бераётган, кимнидир тартибга чақираётган ёки ўқувчиларни тўплаб деворий газета ўқиётганда учратасиз. Куйинчак муаллимани аксарият ўқувчилар севадилар. Айниқса, юқори синф ўқувчилари ўз мехрибон волидалари сингари сирлашганни унинг ёнига келишади, маслаҳатлар олишади. Очиғи, мактабда Назира Султонова билан дўстлашишга журъат этган ўқувчиларга тенгдошлари ҳавас қилишади. Нега шундай «талант» менда йўқ дея ўзларини қойиб ҳам юришади. У киши билан ўртоқ бўлиш учун ўзларидай ҳалол бўлиш керак, дейишади.

Ўтган ўқув йили бошларида мактабнинг тилчи ўқитувчиларидан бири бетобланиб, узоқ муддат ишга чиқолмайдиган бўлиб қолди. Назира опанинг илтимоси билан 2 та синфда ҳафтада 5 соатдан дарс берадиган бўлдим. Улар 8 ва 9 «Д» синфлари эди. Ўқитувчиликда тажрибам йўқлигини айтгандим, Назира опа «ҳеч ким бир думалаб ўқитувчи бўлмаган, ишлайвериб тажриба ортади-да, сингилим, дадил бўлинг» деди. Тез орада ўқувчиларим билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Менга илк бор муаллимлик сабоғини берган бу бағри дарё аёлдан чексиз миннатдор эдим. Уззу-кун китоб ўқийвериб зерикардим. Баъзида ҳафталаб китобга қараёлмасдим. Одам кўнглини одам олади, деганларидек, энди ёзув столига ўтиргач, ишни конспект ёзишдан бошлаб, болаларим илҳом берган мавзуларда ҳикоялар ёзар, узоқ муддат илмий иш мутолаа қилардим. Кунларим қувноқ, ишимда самара бордай туюларди. У киши тез-тез дарсларимга қатнашар, «бинойидек муаллимасиз-ку, камтарлик қиласиз» деб кўнглимни кўтарар, маслаҳатларини аямасди.

Қишки таътилда ўқувчиларимни Тошкентга саёҳатга олиб бормоқчи бўлдим. Назира опани ҳам таклиф қилгандим, рад этмади. 5 кунлик саёҳатда мен бу болаларнинг чин дўсти, ғамхўри, устоз муаллимани қайта кашф этгандай бўлдим. Ҳали-ҳануз болалар ўша мароқли таътил кунларини хотирлашаркан, Назира опа ҳақида, бағри дарёлиги, фидойи бир она каби мехрибонликларини қайта-қайта гапиришади.

Мен бу мактабда бор-йўғи бир йил ишладим. Муаллимга хос эзгу хислатларнинг барини шу камтарин, талабчан устоздан ўргандим, десам муболаға бўлмас. Байрамлар, давраларда, педагогик йиғилишларда, тўй-маъракаларда Назира опанинг ўз ўрни, мавқеи бор. Унга ҳамма ерда ҳурмат эъзозга лойиқ устоз сифатида тўрдан ўрин беришади. У қатнашган даврадар қўр олади. Ўйин-кулги, кўтаринки кайфият бағишлайди. Ҳатто мактабда ўтказиладиган бирор бадиий кеча йўқки, Назира опа қатнашиб, иштирок этмаса. Албатта, бу даврларда у сўз айтар, кеча ташкилотчилари, ўқувчиларига миннатдорчилик билдириб, кайфиятини кўтарар.

Айниқса, куй таралди дегунча опа болажонлари билан сахнада чуинонам эшилиб рақсга тушадики, муаллиманинг бу борадаги талантига ҳам таҳсин айтгинг келади.

— Назира опа, рақҳоса бўлсангиз Малика-ю, Ферузалар қаторидан жой олардингиз,— дедим бир гал. — Рақсга тушишни қаердан ўргангансиз?

— Кашшофлар саройидаги рақс тўгарагидан. 13 ёшимда республика кўрик-танловида, 19 ёшимда Бутун дунё касаба уюшмалари конгрессида иштирок этиб совриндор бўлганман. Китоб ўқишдан кейинги севган касбим бўлгани учун, муаллималикни танлаганман. Санъат ҳамиша ҳамроҳим. Ахир, у тенгсиз гўзаллик, маънавий ҳордиқ.

Ҳа, Назира опа Султонова асли Бухоро фарзанди.

Назира опа оилада ҳам бахтли инсон. Умр йўлдоши Убайдулла ака мўйқалам соҳиби, уста рассом, педагог. Ўғиллари эл хизматидаги ҳалол одамлар. Опа невараси Ҳуршиджонни бағрига босар экан:

— Тақдир берган касб-кор, бахтга шукр, — дейди пичирлаб...

Муҳиба ҲАМИДОВА,
Бухоро шаҳри, 22-мактаб.



23—25 сентябрь кунлари республика Ўқув-методика марказида информатика ўқитувчилари ва мутахассисларининг «Истиқбол» уюшмаси компьютер саводхонлиги бўйича ўқув-методик адабиётлар ва педагогик дастурлар кўргазмасини ўтказди. Унга қўйилган турли янги китоблар, қўлланмалар қатнашчиларни мазкур соҳанинг энг сўнгги янгиликларидан воқиф этди.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

ОДОБНОМА

«ХАЛОЙИҚ ОЛДИГА АЁЛДАЙ ЧИҚАЙИН...»

БИРОВГА ЧУҚУР ҚАЗИСАНГ, ЎЗИНГ ТУШАСАН.

Қадим замонда эр-хотин хасислар яшаган экан. Улар бой бўлишига қарамай, яккаю ягона ўғлига 200—300 қўйини боқтирар экан.

Уларникига бир гадо кела бошлабди. «Ҳар ким қилса, жабр бўлар ўзига, нияти бўлса эгри, қора суртар юзига», деб тиланар экан. Гадо уч-тўрт келгач, хасис эр хотинига:

— Ҳой, хотин, заҳар тайёрла, гадо бизникига иккинчи бор қадам босмасин, — дебди.

Гадо яна ашуласини айтиб келганда хотин: «Ма, заҳар ютгур, — деб заҳар солинган нонни берибди. Гадо ҳам кичкина кулчани халтага эмас, чўнтагига солибди. Ўша куни хасиснинг ўғли қутир эчкисини йўқотгани учун отаси томонидан чўлга ҳайдалган экан. Бола очликдан, сувсизликдан йиқилибди. Гадо уйига қайтаётиб болага раҳми келиб охирги қултум сувини берибди. Бола кўзини ҳам очолмай, «очман», дебди. Гадонинг раҳми келиб, ҳалиги кулчани берибди. Лекин чўпон бола онаси ёпган кулчани таниб, яна хушини йўқотибди. Кулчани каламушлар еб ўлибди. Кулча қолдиғи қумда қолибди. Боласини ахтариб чиққан хасислар чўлда оч қолишибди. Хасис бой кулча қолдиғини топиб олиб ковшай бошлабди. Хотин ҳам шошилиб оғзига солибди.

Уйига қайтаётган гадо қараса, эр-хотин хасислар кулчаларини тишлаб ўлиб ётган эмиш.

●

БОШИНГГА НЕКИ КЕЛСА, ТИЛИНГДАНДИР.

Боласи ёшлигида кичик ўғриликлар қилса ҳам, она тергамас экан. Охири бориб ўғли катта ўғрига айланибди. Ўғрини дорга осиш учун олиб келишганида, у подшодан ўтиниб сўрабди:

— Шоҳим, рухсат беринг, ўлимим олдидан онаизорим билан видолашай.

Подшонинг буйруғи билан онани келтиришибди. Йигит онаси билан кўришиб, унинг тилини тиши билан кирт узиб олибди.

— Нега ўз онангнинг тилини узиб олдинг? — ҳайрон бўлиб сўрабди шоҳ.

— Мени ёшлигимда тўғриликка ўргатмаган ва охири ўлимимга сабабчи ҳам онамнинг ана шу тилидир, — жавоб берибди йигит.

●

САЛОМНИНГ ҚУДРАТИ

Қадим замонда бир қишлоқнинг йигитлари ўтин учун ўрмонга бориб, қайтиб келмас экан. Охири яхши оилада тарбияланган йигит бунинг сирини билмоқчи бўлибди-да, ўрмон томонга йўл олибди. Бир-икки кун юргач, бирдан баҳайбат дев чиқиб қолибди. Йигит саросимага тушмай девга қараб: «Ассалому алайкум, дўстим дев!» — дебди.

Дев йигитнинг икки оғиз сўзидан инсофга келиб, совғалар берибди ва: «Тила тилагингни», — дебди. Йигит девга қишлоғига олиб боришни, жонсиз бўлиб қолган аҳолини оёққа турғизишни ва экин экиш учун ерга ёмғир сўрабди. Дев йигит тилагини бажарибди. Қишлоқ одамларига жон кирибди, қурғоқ ерга ҳар хил экинлар экилиб, яна ҳаёт давом этаверибди.

●

АЁЛ — ШАРМ-ҲАЁ БЕЛГИСИ

Ўлимга маҳкум этилганлар орасида бир аёл ҳам бор экан. Уларни ўлимга олиб кетишаётганда ҳалиги аёл йўлда ип ва нина беришларини сўрабди.

— Нима қиласан ипу нинани? — сўрабди жаллодлар.

— Тиззамнинг ёнидан чоки сўкилибди, шуни чандиб олай, — дебди аёл.

— Ахир сен ҳозир ўласан-ку! — дебди посбонлар.

— Мен аёлман, шарм-ҳаёимни сақлай. Ўлим сари кетаётган бўлсам ҳам, номусим ҳаққи, халойиқ олдига аёлдай чиқишим керак! — дебди аёл.

Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси Н. Ҳайдаров тўплаган.

Ўқитувчи-93

ТАНЛОВ ИЖОДКОРНИ КАШФ ЭТАДИ

«Ўқитувчи — 93» кўрик-танлови қачон ва қай тарзда ўтказилади? Унда барча фан ўқитувчилари иштирок этадими? Бу йилги беллашув «Ўқитувчи — 92» танловидан қайси жиҳатлари билан фарқланади, умуман, кўрик-танлов қандай тамойиллар асосида ўтади? Мухбиримизнинг ана шу каби саволларига Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Йўлдошевич Қосимов қуйидагича жавоб берди.

— Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ўқитувчилар билан ишлашни янада яхшилаш мақсадида ҳамда кўп сонли педагогик жамоаларнинг таклифларини эътиборга олиб, вазиримиз Жўра Ғаниевич Йўлдошев танловни шу йилнинг ноябрь ойида ўтказиш ҳақидаги буйруққа имзо чеккан эди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармаси ҳамда Республика ўқув-методика маркази «Ўқитувчи — 93» кўрик-танлови Низомини ва мазкур буйруқни май ойидаёқ жойларга жўнатди. Бу ҳужжатлар асосида республиканинг барча вилоятларидаги мактабларда, туманларда халқ таълими илғорларининг беллашувлари ўтказилаётир.

«Ўқитувчи — 93» вилоят ғолиблари 11—12 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрига кела бошлашади. 13 ноябрда ғолиблар тажриба майдончаси ҳисобланмиш 41-мактаб ўқувчилари билан танишишади. Шунингдек, якунловчи босқич иштирокчилари Республика ўқув-методика марказида тестдан ўтадилар. Шу куни кечқурун 14 кишилик ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси танловнинг биринчи босқичи — ўқитувчиларнинг уй вазифалари (аннотация, ижодий иш), суҳбат ва видеодарс натижаларини баҳолайдилар.

Сўнгра финал қатнашчилари уч кун давомида 41-мактаб ўқувчилари ҳузурида дарс ўтиб, маҳоратларини кўрсатадилар. 14 ноябрь куни «Ўқитувчилар уйи»да танловнинг якунловчи босқичи бўлади.

Танловда барча фан ўқитувчилари қатнашадилар. Уларнинг болаларга таълим-тарбия беришдаги услублари, ишланмалари чуқур таҳлил этилади. Шунингдек, иштирокчиларнинг шахсий тажрибаларидан бири илмий баёни асосда текширилади. Тадқиқ жараёнида муаллимнинг болаларнинг салбий жиҳатини ижобий томонга йўналтириш борасидаги изланишлари — бу йўлда ўқитувчининг қайси маҳоратлардан фойдаланганига, халқ тарбияшунослиги қатламларининг қайси шаклларига суянганига алоҳида эътибор берилади.

Кўрик-танловлар мактаб ҳаётига ҳам бир қадар ижобий ўзгаришларни олиб киради. Ўқитувчи таълим тизимига қандай янгиликлар киритсам экан, деб ўйлай бошлайди. Улар орасида фаоллашиш кучаяди. Шу орқали туман халқ таълими бўлими методика хонаси маълум даражада бойийди. Натижада илғор тажрибалар кенгайиб, ўз тарғибини топади, оммалашади.

Ҳозир миллий педагогикани яратиш борасида кенг қамровли мулоҳазалар ўртага ташланяпти. Аслида ислоҳот, яратиш, яралиш мактабдан бошланмоғи даркор. Аввало, ўқитувчи шахси, туриш-турмуши ҳақида фикр юритишга тўғри келади. Илгаридан ўқитувчилар маҳалла фаоллари ҳисобланади. Ўқитувчи талантли бўлиши мумкин, бироқ унда изланишга, ижод қилишга ҳар доим имконият бўлавермайди. Демоқчиманки, танловлар баҳона мактаб, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари ҳамкорлиги янада кучаяди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.

Фан ва таълим ислоҳоти йўлида

МУҚАДДАС БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг илк қадамлари иқтисодий, сиёсий ва маданий ислоҳотларга кенг йўл очганлиги, айниқса, таълим тизими тубдан янгиланаётганлиги қувончли воқеа бўлди. Президентимиз Ислом Каримов Республика Олий Кенгашининг XII сессиясида сўзлаган нутқларида миллий-маънавий масалаларга, хусусан, истиқлол мафкурасини яратишга алоҳида эътибор қаратдилар. Миллий истиқлол мафкураси асосларини шакллантиришда таълим-тарбияни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш муҳим ўрин тутади.

Аввалларидан таълим ва мафкурага ёт деб кескин қораланган жаҳон стандартларига мос, замонавий ўқиш ўқитиш тамойиллари бугунги кунда ижтимоий ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида махсус мактаблар, лицейлар, коллежларнинг ташкил этилганлиги юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Янгиер шаҳридаги Гулистон давлат университети қарамоғида бўлган бизнинг лицейимиз 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда унинг илк қалдирғочлари олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди. Лицейимизда айни пайтда еттита бўлим фаолият кўрсатмоқда. Бу билим даргоҳига Сирдарё вилоятининг энг иқтидорли ўқувчилари танлаб олинади.

Лицейда бу йилги якунланган ўқув йилида 228 нафар ўқувчи фан сирларини ўрганди. Бизда ўқишга қабул қилишни махсус танлов комиссияси амалга оширади. Ўрта мактаблардан фарқли ўлароқ, ҳар бир синфда 25 нафар ўқувчи таълим олади. Бу дарс сифатини, ўзлаштиришни, ҳар бир ўқувчи билан пухта шуғулланиш самарадорлигини янада оширади. Баъзи фанлар, чет тиллар дарслари эса икки гуруҳга бўлинган ҳолда олиб борилади.

Бўлимларимиз математика, химия, физика, биология, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти фанларига асосланган. Лицейнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, бизда синфларда қайта ўқитилмайи. Махсус фанлар бўйича чораклик ва йилликда ўзлаштириши лицей талабларига жавоб бермаган ўқувчи мактабларга қайтариб юборилади. Чораклар ўртасида ва йил охирида ўқувчилар тест синовларини топширишади.

Энди бевосита ўқув жараёни ҳақида гапирадиган бўлсак, лицейимизнинг ўқув дастурлари тубдан фарқ қилишига эътиборни қаратмоқчиман. Лицейимиз ўқувчилари Гулистон давлат университети профессор ўқитувчилари, илмий жамоаси томонидан юқори савияда тузилган ўқув режалари ва дастурлари асосида таълим олишади. Энг муҳими, ўқув даргоҳимиз мураббийларининг катта қисмини университет ўқитувчилари ташкил этади. Демак, лицейнинг оддий ўқувчилари фан докторлари, номзодлари, доцентлар таълимини олишади. Бу билим даргоҳимизнинг мақтаса арзийдиган жиҳатларидан биридир. Шу ўринда Гулистон давлат университети раҳбарияти ва жамоаси бизга катта моддий-маънавий ёрдам кўрсатаётганини, таълим-тарбия самарадорлигини оширишда барча ташаббусларимизни қизғин қўллаб-қувватлаётганини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Жамоамизда ўқитувчиларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт шароитлар яратилган. Лицейда элликдан ортиқ юқори малакали ўқитувчилар аҳил ва бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқдалар.

Ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳам бугунги кун талаблари даражасида дейиш мумкин. Лицейнинг 160 ўринли ётоқхонаси мавжуд бўлиб, бу ерда врач ва ҳамшира доимо болалар саломатлигини назорат қилиб туради. Ўқувчиларимиз уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминэтилган. Ота-онаси йўқ, шунингдек, кўп болали оилалар болаларига текин кийим-бош берилади.

Лицейда 1992-93 ўқув йиллари учун 1,5 миллион сўмлик турли асбоб-анжомлар сотиб олинди. Кўпчилик синф хоналари техник жиҳозлар, лингафонлар, ҳар хил компьютерлар билан жиҳозланган. Бизда фан техникасининг барча ютуқларидан хабардорликка катта эътибор қаратилади. Физика, химия лабораторияларини кенгайтириш, замонавий техник воситалар билан тўлиқ таъминлашни якунлаш ишлари бошлаб юборилди. Бозор иқтисодиёти қарор топаётган айни даврда ўқувчиларга қўшимча равишда касб-ҳунар ўргатиш замон талаби. Шу мақсадда дурадгорлик дастгоҳлари ва тикув машиналарини ола бошладик.

Ҳозир амалда бўлган таълим тизимининг афзалликларини эътироф этган ҳолда, Олий Кенгашимиз томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида ўқув юртларининг янги шаклларига эътиборни янада кучайтириш лозим, деб ўйлайман. Биз лицейимиз тажрибасида қаерда етарли шарт-шароитлар яратилган, билимдон, ўз касбини севадиган мураббийлар ўқувчиларга раҳнамо бўлса, шу билим даргоҳидан давлатимиз келажаги бўлган етук мутахассис-кадрлар етишиб чиқишига амин бўлмоқдамиз.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолаларида таълим тарбия масалаларига дахлдор чуқур фикр-мулоҳазаларида давлатимизнинг тақдири билим олаётган ёшлар қўлида эканлиги равшан кўрсатилган. Бу ғояларни амалга ошириш, мамлакатимиз халқ хўжалигини етук мутахассислар билан таъминлаш, таълимни сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтариш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Сами САМАТОВ,
Гулистон давлат университети қошидаги Янгиер лицейининг директори.

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Мактабларда устоз-ўқитувчилар юбилейларида бўлган киши ортиқча дабдабавозлик эмас, чинакам, самимий муносабатни, инсонларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиромининг гувоҳи бўлади. Яқинда Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 30-ўрта мактабда ана шундай қувончли воқеа бўлди.

Ўз умрининг салкам қирқ беш йилини ёш авлод тарбиясига бағишлаган, ўттиз йил ана шу мактаб жамоасига раҳбарлик қилган Қўчқор ака Маҳмудов шодиёна сабабчиси бўлди. Қўчқор ака дастлаб тажрибали устозлар қанотида, айниқса, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, мазкур мактаб директори Раҳмат Азизхўжаевдан кўп нарса ўрганди. Яхшиларга ҳавас, ўқиш ва ўрганиш натижасида Ўрта Осиё давлат университетида олган билимини бойитди. Ўқувчиларга жўғрофия фанидан чуқур билим берди.

Раҳбарлик учун ҳам ўзига яраша қобилият зарур. Қўчқор Маҳмудовда кишиларга меҳрибонлик ва ишга талабчанлик, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, қатъиятлилик сингари ҳислатлари мужассам. У мактаб раҳбари сифатида ҳамиша жамоага суяниб ишлади, моддий базани мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилди. Шу туфайли 1200 ўқувчи таълим-тарбия олаётган мактабда ўқишлар бир сменада олиб борилмоқда.

— Қўчқор ака ажойиб ташкилотчи, ёшларнинг самимий устози, — дейди ўқитувчи Маърифат Миралиева — Олтмиш беш ёшга тўлган устозимиз ҳақли дам олишга чиқиш олдидан мактаб раҳбарлиги лавозимига ўз шогирди Зуҳриддин Одиловни тавсия этди. Бундан бутун жамоа мамнун.

Қўчқор Маҳмудов халқ маорифи ишини юксалтиришга қўшган ҳиссалари учун қатор орден ва медаллар билан тақдирланди. «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими унвони соҳиби Қўчқор Маҳмудов юбилейи кечасида ота-оналар, жамоат ташкилотлари вакиллари, унинг устоз ва шогирдлари ҳаяжон ва эҳтирос билан гапиришди, яхши истаклар билдиришди.

СУРАТДА: 30-ўрта мактабнинг илк директори, таниқли адиб Раҳмат Азизхўжаев (ўртада) ўз шогирдини қутламоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ватан ҳақида сўз

ҲУРРИЯТ ВА РАИЙЯТ

Барот БОЙҚОБИЛОВ

Халқимиз ўзини ҳақиқатан ҳам озод, эркин деб билиб, муҳтожлик ва қарамлик исканжаларидан ҳалос бўлган, қаддини ростлаган, эркин нафас олганда иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Ислом КАРИМОВ.

Барот Бойқобилов — таниқли ўзбек шоири. Адабиётимизда Бобур ҳақида биринчи яратилган «Кун ва тун» шеърий қиссаси, «Навоийнома» чоркитобининг муаллифи. Ўзбек шеъриятига сонет жанрини олиб кирган, сонетлар гулчамбари, юз сонетдан иборат «Мен кашф этган Ўзбекистон» достонини ёзган. 40 дан ошиқ китоби нашр этилган. Филология фанлари номзоди. Самарқанд вилояти Ургут тумани, Кенагас қишлоғидаги мактабда ўқиган.

●

Бизга улуғ бахт насиб қилди. Совет тузуми емирилиб, биз мустақил бўлдик. Озодликка чиқдик. Ҳуррият мевасини татиб кўришга, Эрк нашъасидан ҳузурланишга муяссар бўлдик. Биз қарамлик, муҳтожлик исканжасидан қутулдик. Худога минг қатла шукрки, янги даврнинг, янги жамиятнинг, озод ва эркин Ватаннинг фуқароси бўлдик.

Озодлик ҳеч бир халқ қўлига осонликча кирмаган. Озодлик, Эркни қўлдан бериш осон, қайтариб олиш мушкул, иложсиз масала. Ўзбекистоннинг мустамлакачиликдан озод бўлиши, бу, ўзбекларнинг Озодлик ва Мустақиллик учун олиб борган кураши натижасидир.

Оллоҳ Инсонни озод қилиб яратган. Озодлик — Яратганнинг буюк неъмати! Бу неъматдан баҳра топган одам комил инсон бўлиб етишади. Ундан бебаҳра кишилар эса қулликда, тобеликда, қарамликда кун кечирадилар. Қулликка маҳкум этилган инсон озод кишига нисбатан озодлик қадрига кўпроқ етади. Қулликда туғилган бола эса озодлик нималигини тўлиқ тасаввур қилолмайди.

Ўзбек халқи ўз бошидан қарийб 140 йиллик қулликни кечирди. Бизнинг боболаримиз Чоризм зулми остида, оталаримиз эса совет тузуми даврида туғилганлар. Оталаримиз тоталитар тузуми ҳукмронлиги пайтида расман озод бўлсалар-да, аслан тобе, қарам, қисқаси «озод» қул эдилар. Бизлар ана шу «озод» қулларнинг болаларимиз. Аммо, қадимги Юнонистондаги қулларнинг болаларига нисбатан фарқимиз шундаки, биз журъатлироқ, исёнкорроқмиз. Биз «озодлик»да уларга нисбатан кўпроқ азоб чекканмиз, жабру жафо тортганмиз. Бизнинг нархимиз ҳам баланд-роқ. Биз «эркин» зулмни ўз кўзимиз билан кўрдик, ўз бошимиздан кечирдик. Қорнимиз тўқ, устимиз бут эди. Аммо, эркимиз йўқ эди. **Эрки йўқ инсон — дунёда энг бахтсиз инсондир.**

Биз бугун энг қувончли айёмда яшамоқдамиз. Чунки асрий зулмдан элу юртимиз озод бўлди. Эрк ва Ҳуррият шамоли халқимиз пешанасини силади, унинг кўзга кўринмас занжирлар ила кишанбанд қўлу оёқлари озод бугун. Ҳам жисман, ҳам фикран озод бугун. Бу озодликка томчи қон тўкилмай эришилди, дейдиганлар ҳам бор. Йўқ, бу фикр хато! Бу озодлик, аввал, тўкилган қонлар эвазига келди. Эсланг: Чор Русияси Туркистонга қонли лашкари билан келди. Беҳисоб қонлар тўкилди. Оқибати таслимлик. Беаёв зулм. Эсланг: Фрунзе, Будённий қонли лашкар тортиб келди. Хива, Қўқон хонликлари, Бухоро амирлиги тахтидан қулатилди. Дарё-дарё қонлар эвазига совет тузуми ўрнатилди. Эсланг: миллий озодлик ҳаракатлари бошланди. Босқинчи келгиндилар таъбирича «босмачилик» бу. Ўз юрти ҳимоясига отланганларни «босмачилар» деб атадилар. Биз эса қарсак чалиб олқишладик. Бир кино арбобининг айтишича, босмачилик ҳақида босмачига нисбатан кўпроқ фильм яратилганмиш.

Эсланг: ўттиз еттинчи йилларни, эллигинчи йилларни. Халқимизнинг асл фарзандлари қурбон қилинди. Бу тўкилган қонлар Озодлик, Эрк, Ҳуррият эвазига тўкилди. Биз жуда кўп қурбонлар бериб, ҳар қалай, энди Озодликка чиқдик. Озодликни жон билан, қон билан ҳимоя қилишга фидойи ўғлонларимиз!

Бир Шарқ ривоятида айтилишича, азим чинорга 150 йил боғланган забардаст занжирбанд фил озод этилгандан кейин ҳам яна 50 йил чинор атрофида ўкириб айланиб юрган экан. Бизнинг қисматимиз ана шу забардаст филга ўхшаб кетади. Аммо, ундан, бизнинг фарқимиз шундаки, биз ўша фил сингари яна 50 йил чинор атрофини айланиб юролмаймиз. Чунки **ўзбек халқи қулликка ўрганмаган. У азалдан ўз эрки, ўз озодлиги, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ!** Биз чинор атрофида айланиб юрмай, дарҳол улуғ йўлга — Мустақиллик йўлига отландик. Бизнинг карвонимиз — шукуҳли карвон. Бу карвоннинг жасур ва мард сарбони бор. Бу сарбон — Президентимиз! Биз улуғ манзилга отландик. Бу манзил — Озодлик манзилидир. Эрк ва Ҳуррият манзилидир.

Бизлар улуғ кишиларнинг фарзандларимиз. Наслимиз тоза авлодмиз. Отага муносиб бўлиш фарзанднинг, аждодга лойиқ бўлиш авлоднинг муқаддас бурчидир.

Ўзбек халқи — улуғ халқ. Турондаги энг буюк миллат! Мулки Чиндан Ҳуросон қадар бундай улуғ халқ йўқдур. Туркийлар орасида эса азалдан қадри ва мавқеи баланддир. Туркистон ўлкасининг довруғи, шаън-шавкати, куч-қудрати, ақл-заковати қадим-қадимдан элу юртимиз шарофати ва салоҳияти туфайлидир. **Ҳазратн соҳибқирон Амир Темур сўзлари билан айтганда: «Бизким — мулки Турон, амири Туркистонимиз. Бизким — миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз».**

Инсони аъзамни яратган Оллоҳ унинг толеига яраша Ватан ҳам бергандир. Зеро, Ватансиз Миллат, Миллатсиз Ватан бўлмайди. Биз, ўзбекларга эса Ўзбекистон тупроғи насиб этган.

Байт:

Олис Ҳуросондан Туркистон қадар,

Ўзбеклар — сочилган бебаҳо гавҳар.

Дарвоқе, Ўтрордан Ҳиротгача сайру саёҳат қилсангиз, Жайҳун ва Сайҳундек икки буюк дарё соҳилларида кезсангиз, боғу-бўстонга кўмилган шаҳару қишлоқларда ўзбеклар истиқомат қилаётганини кўрасиз.

Ўзбеклар азалдан ўтроқ халқ, муқим улус, бунёдкор эл. Иморат қурмаса туролмайди. Ҳар ўзбек ўғлони ўзига бир ҳовли-жой қилади, ўзига бошпана қуради. Иморат қурмаган ўзбек йигити топилмайди. Бино қурмоқ унга ота мерос. Ўзбек ўғлони ота меросини қадрлайди, уни бойитади, ўз улушини қўшади. Балки, шу сабабли Самарқанду Бухоро, Ўтрору Туркистон, Чимкенту Тошкент, Ўзгану Ўш, Урганжу Хўжанд, Термизу Ҳирот каби қадимий шаҳарлар бино бўлгандир.

Бунёдкор ўзбек халқи бугун эркин нафас олмоқда. Ҳуррият самаридан баҳраманд бўлиб, Мустақилликнинг муҳташам қасрига янги-янги ғишт қўйиш орзу истаги билан ёнмоқда. **Муҳтарам Президентимиз зўр қониқиш туйғуси билан таъкидлаганидек: «Истиқлолимиз бизга ато этган улкан неъмат — руҳимиздаги уйғониш, ўзбекнинг ўз-ўзини англаётгани ва қаддини тик кўтариб, оламаро шаҳдам қадам ташлай бошлаганидир».**

* * *

Қайта қуриш деган аросат даврнинг бошларида телевизор орқали кўрсатилган бир лавҳа ҳеч эсимдан чиқмайди. Чунки ўша маҳал жуда жиддий мулоҳазаларга сабаб бўлган эди. Қардош қўшни халқнинг казо-казо маданият арбоби билан хорижий адиб суҳбат қурарди. Меҳмон озод мамлакатнинг фуқароси, лекин куйиб-ёниб ўз дардини гапирарди, чунки шахсий ҳаётида ҳаловат йўқ-у қувғинда эди. Мезбон эса беғам, хотиржам, гапга унча ҳуши йўқ, чунки гарчи она юрти мустамлака бўлса ҳам, бу кишининг турмуши бадастур, ўзи унвону, лавозиму обрўнинг энг олийларига эришган эди. Ҳолбуки, бу имтиёзу обрўларнинг ҳаммасига асорат тамғаси босилган ва жаҳонда қабул этилган тушунчалар бўйича уларнинг сариқ чақалик қиммати йўқ эди. Аммо азалдан мустамлака юртда ҳоқон бўлгандан кўра озод мамлакатда оддий фуқаро бўлиш афзал бўлиб келган. Лекин буни биз тушунишни истамасдик, ҳавойи сохта ҳаваслларга маҳлиё бўлиб, улардан баҳра ҳам топардик. Биримизни унвонлар маст этган, биримизни қўни-қўшниларникига нисбалан ортиқ туюлган кошонамиз лол қилган, биримизни бола-чақа ризқини қийиб, йиллаб йиғган маблағни бирор отарчига совуриб, бир оқшомлик обрў орттириш балоси ўз исканжасига олган эди.

Мана, ниҳоят, худо ёрлақаб, кўкрагимизга ҳаво тегди. Икки йилдирки, биз билган тушунчаларнинг оёғи осмондан келиб, кечаги орзу-ҳаваслар бугунга тўғри келмай, бир пуллик қиммати йўқлиги тобора аён бўлиб боряпти.

Ватанимиз машаққатли озодлик йўлига қадам қўйган қутлуғ айёмда бутун юртимиз, бутун миллатимиз жаҳон майдонида улкан; мислсиз синовдан ўтяпти. Бутун жаҳон назари бизга қадалган, бизга баҳо беряпти. Давлатимиз қисмати, истиқболи айни шу даврда ҳал бўляпти. Ўзига хос мислсиз синов кетяпти.

Шу сабабдан ҳам бугун ҳар биримизнинг қиёфамизга, ҳатти-ҳаракатимизга кўп нарсалар боғлиқ. Ҳар биримизнинг айри-айри мазмунимиз жамланиб, миллатимиз қиёфасини ташкил этади. Ёки унга обрў беради, ёки бебурд қилади. Шу умумий мавқеимиз, умумий савиямизга қараб бизга муносабат шакллланади, муносабат белгиланади.

Айни замонда биз борки имконимиз, субутимиз, илмимизни сафарбар этиб, жаҳонга миллатимизнинг энг яхши жиҳатларини намойиш этишимиз ва жаҳондаги миллатлар сафида насл-насабимиз талаб этган қонуний ўрнимизни эгаллаш учун чинакам кураш эълон қилишимиз керак.

Биз минг йиллик ва ёш мустақил давлатимиз тарихида бутунлай янги жамиятни қурмоқдамиз. Бу жамиятнинг олий мақсади Шарқона демократияга, давлатчилигимизнинг минг йиллик шавкатли тарихига, халқимизнинг миллий анъаналарига, эзгу урф-одатларига асосланган бўлиб, инсон қадр-қиммати, обрў-эътибори, жамиятда тутган ўрни ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан иборатдир. **Президентимиз ибораси билан айтганда: «Якдиллик, иймон ва инсоф, сўз ва иш бирлиги, инсонпарварлик — биз қуражак жамиятнинг тамал тошларидан бирндир».**

Зеро, янги жамиятнинг тамал тошларини ўзаро аҳил, бир-бирига меҳрибон, меҳр-оқибатли, ор-номусли, соф виждонли ва иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам ва иродаси собит одамлар, ўзини Ватани ва Миллати, жонажон Элу Юрти учун бағишлаган инсонпарвар ва ватанпарвар кишилар, истиқлол ва истиқбол ишқи билан юраги ёнган. Эрк ва Ҳуррият, Мустақиллик ва Озодлик йўлида улуғвор мақсадлар билан яшаётган мард ва жасур фидойиларгина қўя олади.

Янги жамият бунёдкорлари, бу — ўз юртининг соҳиб давлати, ўз ерининг хўжайини, ўз эрки ва озодлиги учун истиқлол жабҳасида турган ватанпарварлардир. Ватан ва Миллат деса ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам урадиган, ўлимдан қўрқмайдиган, керак бўлса, жонидан ҳам кечадиган мардларгина янги жамиятни қуришга қодир.

Дарҳақиқат, янги жамият ўз-ўзидан бино бўлмайди. Уни ватанпарвар, миллатпарвар кишиларгина барпо этиши мумкин.

Биз ўзимизнинг кечаги кунимизни баҳолай олишга қодирмизми? Таҳлил қилишга уринганимизда ҳам хулосаларимиз ҳолис бўлиши мушкул. Акс ҳолда биз яшай олмасдик. Озодлик деган туйғунинг ўзидан беҳабар эдик. Чунки совет тузуми берган неъматлардан сархуш эдик. Бунинг учун бизни айблаб бўлмайди. Ахир, кўр туғилган кишини рангларни билмайсан, деб айблаш нотўғри-ку! Шунга ўхшаб озодлик нималигини фақат озод бўлиб туғилган ёки нашъали озодлик ҳавосидан лоақал бир зум нафас олган одамгина ҳис этиши мумкин. Бизга бу насиб этмаган эди. Ҳарқалай, кеч бўлса ҳам орзуимиз ушалди.

● ● ●

Совет тузуми даврида яшаган ва уни мадҳ этган шоир ё адиблар сафида камина ҳам борман. Эркин ва озод дунёни кўрмаган ижодкорлар қатори фақиру ҳақир ҳам ҳукмдорлик мафкурасида бўйинсуниб ва унга ишониб унча-мунча шеърлар ёздим. Аммо барча софдил ва пок виждонли шоиру адиблар сингари кўнглим гўшасида, юрагимнинг кўз илғамас қатида орзу-армонларим, дарду аламларим, қарамлик ва муҳтожликдан зада бўлган туйғуларим, Ватанимни ва Миллатимни озод кўрсам, деган ҳавас яшар эди.

Эҳтимол, шу важдан, ўтмишга — элу юртим озод яшаган даврга умид кўзимни тикандирман. Унинг буюк фарзандлари — жаҳонгир амиру шоҳлари, улуғ саркардалари, мутафаккир шоиру алломалари ҳаётини қаламга олгандирман. 1966 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида «Кун ва тун» шеърий қиссасини битдим. 1968 йилда эса «Афросиёб» тарихий достонимни ёздим. 1977 — 1987 йиллар мобайнида ўзбекнинг шамсул миллати Амир Низомиддин Алишер Навоий хусусида «Нотинч Ҳуросон», «Шукуҳли Карвон», «Сокин Ҳуросон», «Қонли Ҳуросон» шеърий романларидан иборат «Навоийнома» Чоркитобини яратдим. Ўттиз беш минг мисрани ташкил этган бу асар умримнинг мазмуни, қўлимга қалам олганимнинг моҳияти, шогирднинг улуғ устозга меҳр-муҳаббати, иймон-эътиқодининг рамзи бўлса не ажаб!

Мен Озодлик қадрига етаман. Чунки Озодлик таъмини татиб кўришга муяссар бўлдим. У нақадар тотли, нақадар ширин! Бу тотли ва ширин Бахт заҳарга айланмаслиги учун Мустақиллик жабҳасида турибман. Уни жоним ва қоним билан ҳимоя этишга, камарбастаман. Мен — Озодлик аскариман!

Мен тоталитар тузумнинг ширинини ҳам, аччиғини ҳам тотиб кўрганман. Қайта қуриш деган чалкаш даврда Ўзбекистон остин-устун бўлди. Паст-баландни билмайдиган Марказқўм котибаси мафкурага раҳбарликни ўз қўлига олди. У билан адабиёт ва санъатга қарашларимиз тўғри келмади...

Камина 1985 — 1989 йилларда узлатда ҳазрати Алишер Навоий хусусидаги асарим устида ишлашни давом этган бўлсам, бу даврда бутун ўзбек халқи ўйлаб топилган «пахта иши» туфайли азоб чекди. Баъзи мансабдор шахслар эса қуюшқондан чиқди, халқни оёқ учида кўрсатишди. Ҳайриятки, уларнинг ҳукмронлиги тез орада барҳам топди.

Оллоҳга минг шукрлар бўлсинким, 1989 йилнинг июнь ойида Ислом Каримов Республика раҳбарлигига келди. Юртимизда бирдан иқлим ўзгарди. Қора булутлар тарқаб, осмон мусаффо бўла бошлади. Шеърларим яна матбуот юзини кўрди, телевидение ва радио орқали бериладиган бўлди, китобларим нашр қилинди. Бу Озодлик шабадаси эди! Бу — на фақат камина, балки ўзбек халқи бошида эса бошлаган Ҳуррият шабадаси, Эрк ва Истиқбол насими эди. Бу ҳузурбахш сабо қадрига етмоқ ҳам фарз, ҳам қарз!

Мен Мустақиллик туфайли ўзлигимни танидим, ўз юртимда бошимни баланд кўтариб юришга мушарраф бўлдим, миллий ғурур туйғуси кўксимни кўтарди, элу юртимга виждон амри билан хизмат қилиш бахтини бутун жисму жоним билан тасаввур қилдим. Зеро, Президентимиз буюк бобомиз Амир Темур руҳини шод этиб, халқимиз юрагида улуғ орзую армон бўлиб ётган, дард ва алам билан йўғрилган муродига тасалли бердилар. **Буюк Соҳибқироннинг: «Бир кунлик адолат — юз, кунлик тоат-ибодатдан афзалдир»**, деган доно ҳикматига амал қилган юртбошимиз адолат машъаласини баланд кўтариб, унинг мунаввар ёғдулари ила ўзбек мулкини чароғон этмоқдалар. Адолат нуридан баҳра топган халқимиз эса Ватан боғини обод қилиб, тинч ва осойишта ҳаёт кечирмоқда. Боқий бўлсин бу осойишта ва тинч ҳаёт!

* * *

Элу юрт учун, Истиқлол учун улуғ одамлар, салоҳиятли кишилар керак. Ватан ва Миллат бешигини буюк шахслар тебратади. Буюк шахсларга суянган давлатнинг келажаги ойдин бўлади. Улар камоли элу юрт истиқболини белгилайди. Буюк шахслар миллат равнақига, Ватан ривожига ўз таъсирини кўрсатиши шубҳасиз!

Зеро, барча миллатнинг бирдай тенг, баробар тараққий этишининг табиатан иложи йўқ, ҳар миллатнинг ўз ҳаётий йўли, фақат ўзига хос тарихий босқичлари бор.

Биз буюк ўғлонлари ўз даврида жаҳонни титрата олган энг улкан миллатлардан бирининг ворисларимиз. Бироқ, минг афсуски, қарамлик қисмати ҳам бизга ота-боболардан мерос қолгани мавжуд ҳақиқатдир. Тазйиқли муҳитда дунёга келган, мутелик руҳида суяги қотган бандалармиз. Миллатимизнинг нечанеча авлоди тақдирга тан бериб итоат билан кун ўтказиб кетди. Итоат, риоя миллий феъл-атворга айланди. Озод кунларни қўмсаганлар эса худди парвонадек бу туйғу ўтига урилиб куйиб кул бўлдилар.

Биз эҳтиёжимизга яраша яшаш низомини бузган кишилармиз. Кўп ҳолларда эҳтиёждан ортиқча нарсаларни ҳам кўнглимиз қўмсаб қолади. Бу — бизнинг фожеамиз. Қўлимиз калталик қилса ҳам қўли узун кимсалардек баъзан айш-ишрат кетидан қувамиз. Оқибати ҳунук бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Баъзан жиловимизни қўлдан чиқариб юборамиз.

Айтмоқчиманки, эҳтиёж ҳам чегарасиз нарса. Чўзсанг чўзилади, қиссанг қисилади, тарбиялаб, ҳисоб-китобини тўғрилаб, изга солсанг, мантиқ, инсоф қолипига кириши ҳам мумкин. **Эҳтиёжларнинг ҳам маданияти бўлиши керак. Ўйлашимча, бизда эҳтиёж маданияти етишмайди. Эҳтиёж маданияти етишганда бадастур яшашга, имкониятимиз даражасида кун кечиришга ўрганган бўлур эдик.** Бу ўринда ота-боболаримиз турмуш тарзи, уларнинг ақл-идроки, рўзғорни тебратишдаги тажрибаси, тўй-ҳашамларни, маъракани ўтказишдаги қоидаларга риоя қилишлари бизга сабоқ бўлиши мумкин.

Илму фан аҳволи, таълим-тарбия ишлари жамият тараққиёти мезони бўлиб хизмат қилади. Бу масалаларда биз ғафлат босиб ҳийла оқсаб, депсиниб қолганмиз. Борди-ю қунт қилиб юртимизнинг бор ақлий қудратини сафарбар этиб, энг тиришқоқ, энг оқил ёшларимизни танлаб олиб, уларни энг фидойи, энг донишманд устозлар қўлига топшириб, барча шарт-шароитни яратиб қўйган тақдирда ҳам асрнинг бугунги талабларига жавоб бериш қийин бўлиши мумкин. Инсоният шу даражада илгарилаб кетганки, биз уларга етиб олишимиз учун анча вақт керак.

Дарҳақиқат, ўрта мактабда таҳсил йиллари давомида ўзининг бевосита вазифаларидан бўйин товлаб, масъулиятдан қочиб, билимдон ўқувчилар панасида беркиниб келган, шу руҳда шаклланган, шу руҳда суяги қотган ёшлар келажакда ҳам зиммасига юк олмайди, бирор масалани мустақил ҳал қилишга уларнинг журъати ҳам, қурби ҳам, ақли ҳам етмайди. Улар паноҳ излаб ўзлари сингари ноқобил шериклар тўдасига шўнғишга интиладилар.

Албатта, ўн-ўн бешта бўлиб аҳамият касб этиш осондир, лекин тош босадиган шахсиятларга зор жамиятимиз бундай аъзолардан манфаатдор эмас.

Ўз қадрини билган ҳар қандай жамият баркамол, иқтидорли ёшларга муҳтож. Иқтидорли ёшлар қанча кўп камол топтирилса, истиқбол пойдевори шунча мустаҳкам бўлади. Келажак — ёшларники, деган ҳикматда катта мазмун бор. Чунки истеъдодли ёшлар жамият йўналишини белгилайди.

Мустақиллик умиди фақат ёшлардан. Ҳозир борки маданий бисот улар ихтиёрига берилиши, ижоднинг ҳар қандай тури рағбатлантирилиши, жамики имкониятлар маърифий мақсадларга сафарбар этилиши лозим.

Республикада Мустақиллик самарадорлиги маданиятдан бошланади ва шу маданият даражаси билан белгиланади. Маданият давлат миқёсида жиддий йўналиш даражасига кўтарилмас экан, иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар самараси кўзланган мақсадни ифода этолмайди.

Маданият кишининг ҳулқ-атворида, эътиқод-иймонда, юриш-туришида, кундалик турмушида, фикр-мулоҳазасида, мушоҳада ва мулоқотида намоён бўлади. Маданиятли инсон, тарбия кўрган киши ўзини қаттиқ ҳурмат қилади, унда ички интизом кучли бўлади, мусоҳиб кўнглига қараб гапиради, унинг дилини оғритмайди, балки муомаласи билан унинг юрагини яшнатади, мулоқот маданиятига риоя қилади.

Олий насабли инсон ҳеч қачон пасткашлик кўчасига қадам босмайди. У жамиятда ўз ўрни ва ўз мавқеини яхши билади. Шунга яраша кишилар билан муносабатда бўлади, ўзидан кўра ўзгани ҳурмат қилади, уни эҳтиром тахтига ўтқазиб, ўзи ҳам иззат-обрўга мушарраф бўлади.

Ҳар бир халқнинг ўз ижоди бор. Бу ижод шу халқнинг тарихи, меҳнати, тафаккури, урф-одатлари, маросимлари, руҳияти, диди ва, ниҳоят, тили билан боғлиқ, асрлар мобайнида яшаб келган ва ўзига хосдир. Унга, ахир, қандай қилиб бошқа халқ ижодиёти шаклини қўллаш мумкин?! Шарқнинг Ғарбдан, мусулмон маданиятининг христиан маданиятидан фарқи бор-ку!

Ўзбеклар ўз ҳунари, санъати, адабиёти, мусиқаси, тарихи билан башарият қасрини обод этган, унда ўз сўзи ва ўз созини янгратган буюк миллатдир. Биз сув ичган булоқлар тоза ва беғубор, биз нафас олган ҳаво соф ва мусаффо, биз кезган боғлар сўлим ва дилкушо! Зеро, ота-боболаримиз чеккан заҳматлари туфайли маданиятимизнинг буюк обидалари яратилдики, бу нодир ва бебаҳо хазина мангуликка даҳлдор. Маданият ёдгорликлари — у қаерда бўлмасин бутун бир халқнинг, бутун бир миллатнинг мулкидир. Маънавияти, салолияти юксак бўлган миллатимиз бу бебаҳо мулкини кўз қорачиғидай асрайди, бу буюк меросга ғубор кўндирмасдан келажак наслларга етказишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Аммо, тўғрисини айтганда, биз — буюк маънавий мерос ворислари уни яхши ўзлаштиролмадик, айримларимиз лоқайдлик, худбинлик, ўзибўларчилик, манманлик, кибру-ҳаво, таъмагирлик, манфаатпарастлик, мансабпарастлик, юлғичлик ва ҳоказо жуда ёмон иллатларимиз билан жамиятимизни равнақ топтириш ўрнига орқага судрадик.

Халқ амалий санъати — таълим-тарбиянинг бебаҳо калитидир. Биз бу сеҳрли ва жозибали оламга чуқурроқ кириб боришимиз шарт. Инсоният ҳамиша гўзалликка интилган, тирикчиликнинг энг машаққатли даврларида ҳам нафосат талабларига риоя қилиб яшаган.

Фаровонлик бир киши ёхуд кўпчилик одамларнинг оғзига солиб қўядиган хўрозқанд эмас. Фаровонлик ҳамманинг виждонан қилаётган ҳалол меҳнати билан, бир-бирларининг яхши ишларини қўллаб-қувватлаш билан, табиат ва ер ости бойликларини, одамларнинг маънавий бойлиги — ахлоқий, маърифий маданиятини авайлаб-асраш билан, фойда учун ҳаммани алдаш ва қийнаш каби иллатларга чек қўйиш билан вужудга келади.

Халқимиз азалдан, ҳар қандай чалкаш ва оғир дамларда ҳам айтган сўзига амал қилувчи, ўз касб-кори, ҳунарини яхши билувчи, ахлоқ одоби, камтаринлиги, эл меҳрини қозонган кишилари билан фахрланиб келади. Аслида ўзбекни миллат, халқ қилиб турган инсонлар, шубҳасиз ана шундай кишилардир. Ҳаётнинг паст-баландини кўрган, аччиқ-чучугини татиган, иссиқ-совуғига бардош берган, иродаси собит, ақлу закода беназир кишилар бир умр заҳмат чекиб, ижод азобини тортиб, ўз кашфини яратадилар. Ихтиро — ижод маҳсули, маданият равнақи рамзи. У хоҳ бадиий асар бўлсин, хоҳ мусиқий, хоҳ тасвирий асар бўлсин маданиятимиз хазинасига ҳисса бўлиб қўшилади.

Дарҳақиқат, халқимиз муҳтожлик ва қарамликдан ҳалос бўлиб, қаддини тиклаётган, кўкраги тўлиб озод нафас олаётган истиқлол замонида маданият аҳлини қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама ёрдам бериш кафолати порлоқ истиқболимизга буюк умид ва ишонч билан қарашга бизни даъват этмоқда. Маданияти буюк халқнинг келажаги ҳам нурафшон, миллий мафкураси устувор бўлади. Аслида миллий мафкуранинг асосини миллий маданият ташкил қилади.

Инсон тафаккурининг чароғбони, инсон фазлу камолининг наққоши ота-онадир. Она — фарзанд ижодкори. Оналарга яратилаётган барча имконият мақсади битта — у ҳам бўлса оқил, билимдон, иқтидорли фарзандларни тарбиялаб вояга етказишдир. Онага фарзандни камол топтиришдан буюк бахт бўлмаса керак.

Ота — фарзанднинг суянч тоғи, унинг ишончи, умиди! Ота тарбиясини, дуосини олган фарзанд икки дунёда ҳам хор бўлмайди. Фарзандни ўстириб эл қаторига қўшиш отанинг бурчи. Элга қўшилган фарзанд эса ўз халқи ва юрти учун фидойи бўлади. Фарзандлар ота-она иззатини жойига қўйиши, ҳурматини бажо келтириши, умр бўйи уларга хизмат қилиши катта бахтдир. Ҳазрати Алишер Навоий айтганларидек, эй фарзанд:

Бошни фидо айла, ато қошиға,

Жисмни қил садқа ано бошиға.

* * *

Бизнинг миллий фожеамиз, фалокатларимиз илдизи шундан иборатки, биз мерос сиёсий тузум қолипидаги имкониятлардан ҳам тўғри фойдалана билмадик. Ўз зараримизга иш кўрдик, ўзимиз ўтирган шохга ўзимиз болта уриб келдик. Умр бўйи ёлғиз отнинг чанги чиқмас, деган мақолга амал қилиб яшадик. Ҳолбуки, бутун жаҳонда ана шундай чанги чиқадиган отлар — қудратли даҳолар, ёрқин иқтидорлар, етук шахсиятлар — аравани тортиб юрибдилар. Биз инсон такомили учун зарур бўлган ижтимоий асосларнинг ўзини емириб ташладик. Оқибатда миллатимизнинг, ҳаттоки, атоқли арбоблари, мумтоз фозил вакиллари, ёзувчилари, зиёлилари гуруҳлашишга, тўдалашишга мажбур бўлдилар. Чунки акс ҳолда уларнинг на қобилиятлари юзага чиқди, на қилган меҳнатлари кўзга кўринди. Баркамол, мустақил кишиларга талаб ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ эди.

Зеро, энди замон ўзгарди. Озодлик биз йўқотган нарсаларни қайтиб бермоқда. **Мустақилликнинг буюк қудрати шундаки, у халқимизнинг ўзлигини ўзига танитди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини кўрсатиб берди.** Ўз эрки қўлида бўлмаган халқ улуғвор ишларга қодир эмас, дейдилар! Ҳар қалай, бугун бизнинг эркимиз ўз қўлимизда. Улуғ ишлар қўлимиздан келишини жаҳон аҳлига кўрсатиб қўйишимиз учун жамики имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Биз бундай улкан ғамхўрлиқ ва меҳрибонликнинг қадрига етишимиз лозим. Бунинг учун Мустақил давлатимиздан, Истиқлолдан, Ҳуррият-дан, Президентимиздан миннатдор бўлмоғимиз жоиз. Биз ғанимат фурсатдан, яратилган имкониятдан оқилона фойдалана билсак, ўз иқтидоримизни, ўз салоҳиятимизни улуғвор ишлар сари йўналтира олсак, муроду мақсадимизга етишимиз аниқ. Муроду мақсад — озод мамлакатимиз мустақиллигини таъминлаш, унинг эркин, ҳур фуқароси бўлиш, Ватан жамолига оро бериш, Миллат қўрғонини муҳофаза этиш, Истиқлолнинг буюк неъматларидан баҳраманд бўлиш, келажакка ёруғ юз билан қараш, мозий меросини кўз қорачиғидек асраш, буюк ота-боболаримиз анъанасига содиқ бўлиш, фан ва маданият равнақига ҳисса қўшиш ва Президентимиз олиб бораётган- изчил сиёсатга содиқ қолишдан иборат!

Озодликнинг шавкатли карвони йўлга чиқди. Узоқни кўзлаган сарбон билан улуғ манзил сари отланган эканмиз, буюк мақсадлар, буюк орзулар қалбимизда жўш урмоқда, бизга қанот бағишламоқда, нурли келажак сари даъват этмоқда.

Ҳазрати Алишер Навоий айтганларидек:

Халқ лутфидин илгида бароти[1],

Мазмуни бори улус нажоти.

Ҳуррият — бу озодлик демак, раийят эса бир мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган ва бир подшоҳ қарамоғидаги халқдир. Биз, ўзбеклар, Мустақиллик шарофати туфайли озодликнинг олий неъматидан баҳраманд бўлган эканмиз, иншоолло, бахту саодатимиз эрку иқболимиз боқий бўлгай! Биз, ўзбеклар, ота юртимиз, она-Ватанимиз Ўзбекистон давлатида инсон учун Оллоҳ яратган жамики неъматлардан фойдаланиш имкониятига сазовор бўлган эканмиз, иншоолло, аҳли мўмин, аҳли муслим раийят сайлаган Биринчи Президентимиз амру фармонларини астойдил адо этишга доимо камарбаста бўлгай, ул олий зот кўрсатган йўлдан оғишмай, ҳамжиҳат ва якдил бўлиб, элу юрт хизмати учун Мустақиллик жабҳасида ўзини фидо этишга тайёр тургай!

1. Барот — подшоҳ томонидан бериладиган Озодлик хати.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Саидали САМАНДАРОВ!

Кўп йиллардан буён оқолтинлик маорифчилар Сизни меҳрибон, билимдон ва ўз ўрнида қатъиятли устоз раҳбар сифатида ардоқлашади. Сиз карвонбошилик қилаётган туман халқ таълими бўлими айни кунларда замон талабидаги дарсларни ташкил этишга бош-қош бўлиб келмоқда.

50 ёшга тўлиб, ёру биродарларингиз билан шоду ҳуррамлик қилаётган ушбу кунларингизда биз ҳам Сизга узоқ умр, соғлик-саломатлик. келажакдаги ишларингизга ривож тилаб қоламиз.

ОҚОЛТИН ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ.

Меҳрибон онажонимиз, азиз устозимиз Зулфизар МИРЗАЖОНОВА!

Сизни туғилган кунингизнинг 50 йиллиги муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сиз 35 йиллик муаллимлик фаолиятингиз давомида қанчадан-қанча жажжи ниҳолларга таълим-тарбия бериб улғайтирдингиз.

Бугунги қутлуғ кунда Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва ёш авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли ишингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Чуқур эҳтиром ила фарзандларингиз: ҲИЛОЛА, МУЗАФФАР ҳамда 154-ўрта мактабнинг 11 «А» синф ўқувчилари.

Ҳурматли Қизилгул АҲМЕДОВА!

Сиз мактабдаги муносиб хизматларингиз эвазига ўзига хос маёқлик вазифасини ўтовчи — Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлимига назоратчи сифатида қабул қилиндингиз Хушмуомалалик, камтарлик, билимдонлик каби ҳислатларни ўзида жамлаган хулқ-атворингиздан ибрат олса арзигулик.

Туғилган кунингизни нишонлаётган ушбу шодиёна онларингизда биз Сизга соғлиқ-саломатлик, бахт ва омад тилаймиз.

ҲАМКАСБЛАРИНГИЗ.

Қадрли ҳамкасбимиз Тожибой УРИНБОЕВ!

50 ёшга тўлиб шодланиб юрган ушбу кунларингизда жамики яхши ниятларимизни Сизга бахшида этгаймиз. Нақадар мазмунли журналистик фаолиятингизнинг энг салмоқли даврини «Халқ таълими» ойномасида масъул котиблик вазифасида ўтказаётганингиздан ғоят мамнунмиз.

Шахсий ва оилавий ҳаётингизда бахт ва қувонч Сизга ҳамиша ёр бўлсин!

«ХАЛҚ ТАЪЛИМИ» ОЙНОМАСИ ЖАМОАСИ.

ШОРАҲИМ ОТА ҲАНГОМАЛАРИ

Инсон ўзлигини аён этиш учун берилган бир баҳяли вақт, ундан нечоғлиқ ғайратлиликни, илмлиликни талаб этади. Ҳамманинг ҳам тақдирига кексалик ёзилган. Бироқ ўша ўзига хос гаштли дамларга ким нимаси билан етишиши эса беш қўлнинг баробар эмаслигидай бир гап. Демоқчимизки, кексайганда ёшларга тўғаноқ эмас — суянч, рақиб эмас — муаллим, бефарқ эмас — ҳамдард бўлиб, умри давомида тўплаган маънавий бисотини уларга улаша билишни ҳамма ҳам уддасидан чиқавермайди.

Шу кунларгача маорифнинг турли поғоналарида хизмат қилиб, ҳозирда Республика фахрия педагоглар кенгашига раислик қилаётган Шораҳим ота Гадойбоевни юқоридаги юмушларни қойилмақом қилиб бажарганлар сирасига киритишга ҳақлимиз. Муаллимлик фаолияти 1930 йилларнинг бошида бошланган Шораҳим отанинг қаерларда ишлаганию нималар қилгани ва шогирдлари қанчалиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, бир қалин китобга жо бўлгулик. Биз ушбу шодиёна кунларда Шораҳим отани қутлуғ 80 ёши билан муборакбод этиб, Сиз — муштарийларимизга у азиз инсоннинг ҳаёти билан боғлиқ бир неча ҳангомасифат, ўз ўрнида ишни яхшилашни кўзлаган воқеалардан ҳавола этамиз. Зукко ўқувчига бу ҳангомалар Шораҳим отанинг кимлигини англашга ёрдам берса ажабмас.

ШАПКАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР

Шораҳим ака 30-йилларнинг бошида Тошкент тумани халқ маорифи бўлими мудири этиб тайинлангач, бир куни қишлоқдаги мактабга борди. Уни кўриши билан барча ўқувчилар мушукдан қўрққан жўжалардек чекка-чеккаларда паналаб туришди. Бу ҳолдан тажжубланган Шораҳим ака мактаб директоридан сабабини суриштирди. У, эгнингизда чарм костюм ва бошингизда шапка бўлгани учун болалар ҳайиқишган, деб жавоб қилди. Шундан сўнг Шораҳим ака бунга чек қўйиш ниятида тумандаги мактабларнинг директоридан тортиб ўқитувчиларгача бугундан эътиборан шапкада юрсинлар, деган маззмунда буйруқ берди.

Қиш кунларининг бирида туман ижроия қўмитаси мажлисига 50 га яқин ўқитувчилар ёзда кийиладиган оқ шапкада келишади. Шундоқ совуқ бўлишига қарамай, оқ шапка кийиб келганларни кўриб ижроқўм раиси Шораҳим акага деди:

— Нима, ўқитувчиларнинг жинни бўлдими? Қиш кунида оқ шапка кийиб ўтирибди.

Шораҳим ака узр сўраб деди:

— Мен барча ўқитувчиларга оқ шапка кийишни ёзда буюрган эдим, аммо қиш фаслида алмаштиришни айтмаган эканман, — деб секин ўқитувчилар олдига келиб, бош кийимларингни алмаштириб олинглар, — деди. Ўқитувчилар эса, ҳайрият-э, жуда совуқ қотган эдик-да, дея хурсанд бўлишди.

* * *

АНТИҚА ҲАЙФСАН

Маориф мудири ҳузурига бир мактаб директори шошиб кириб келганда Шораҳим ака унинг соқоли олинмаганлигини кўриб, саломига алик ҳам олмай:

— Олдин соқолингни олдириб кел, — дея кабинетидан чиқариб юборади ва шу заҳоти котиба қизни чақириб қўйидаги мазмундаги буйрук ёзишни тайинлайди:

1. 13-мактаб директори Маҳкамовга соқолини олдириб юрмаганлиги учун ҳайфсан эълон қилинсин.

2. Ушбу буйруқ барча мактабларда кўриб чиқилсин.

РайОНО мудири Ш. Гадойбоев.

* * *

БУЙРУҚБОЗ

Шораҳим аканинг 40-йилларда чиқарган бир буйруқларида шундай дейилган:

1. Менинг рухсатимсиз ҳар қандай одам тумандаги мактабларга текширишга келса, рухсат этилмасин.

Ўша пайтларда Маориф вазирлигида ишловчи ходимлардан 2 киши ҳеч қандай йўллланмасиз Шораҳим ака раҳбарлик қилувчи тумандаги бир мактабга бориб текширмоқчи бўлади. Аммо мактаб директори ходимларга рухсат этмай РайОНО мудири Ш. Гадойбоевнинг буйруғини кўрсатади. Ходимлар буйруқни олиб вазирликка қайтадилар. Бу воқеадан хабардор бўлган ўша вақтда халқ маорифи вазири бўлган Абдулла ака Мурадхўжаев Ш. Гадойбоевни ўз ҳузурига чақиради. Шораҳим ака тезлик билан вазирликка етиб келгач, Абдулла ака жаҳл билан унга деди:

— Бу республикада сен вазирми ё мен. Нега менинг ходимларим мактабингга текшириш учун борса, директор киритмапти. Бу қанақаси, — деб вазирлик ходимлари мактабдан олиб келган буйруқни Шораҳим ака олдига улоқтирди.

Шораҳим ака бир оз ўзини босиб олиб деди:

— Абдуллахўжа ака, сиз Ўзбекистон халқ таълими вазирисиз, биз сизга бўйсунамиз. Аммо мен қўл остимдаги Тошкент тумани маориф бўлимига бошлиқман.

Вазир яна Шораҳим акага дўқ қилаётган эди, воқеага тушуниб турган вазирнинг ўринбосари Рочинская орага тушиб масалани тезда ҳал қилди:

— Ш. Гадойбоев тўғри иш қилган, чунки биз ходимларимизни мактабни текширишга жўнатмаган эдик, нима учун улар ўзбошимчалик билан борганлигини сўраб кўриш керак. -

Аслида воқеа мана бундай бўлган экан: Вазирликнинг 2 ходими шу куни ишдан кеч қолган ва прогул бўлишидан қўрқиб, яқинроқ бир мактабга бориб, текшириш ўтказганлигини важ қилмоқчи бўлишган экан.

* * *

БИР ҲАФТАЛИК ДИРЕКТОР

Уруш йиллари эди. Шораҳим ака бир мактабга борса, ҳали ремонтга қўл урилмаган экан. Ўқиш бошланишига эса 10 кун қолган. Ғазаби тошган Ш. Гадойбоев барча директорларни РайОНОга йиғиб, ўқув йилига тайёргарлик ҳақида гапиради. 15-мактаб директори Омоновни шу пайтгача мактаб ремонтига қарамаганлиги учун шу куни ишдан олиб, ўрнига ўзини директор этиб тайинлайди. Омоновни қўлидан муҳрни тортиб олиб, истасанг ўқитувчи бўлиб қолишинг мумкин, дейди ва йиғилиш сўнгида шундай буйруқ чиқаради:

1. Ш. Гадойбоев 1 ҳафтага 15-мактабга директор этиб тайинлансин. Мабодо, шу муддат ичида мактаб ремонтини тугата олмаса, директорликдан ва РайОНО мудирлигидан ҳам бўшатилишини Маориф вазирлигидан сўрайди.

Шундан сўнг Шораҳим ака барча директорларга қараб мурожаат қилади:

— Биродарлар ҳозирдан бошлаб мен 15-мактабга директорман. Агар 27 августгача мактабни тўлиқ ремонтдан чиқара олмасам, мен бутунлай бу райондан кетаман. Агар мени шу жойда қолишимни истасангиз, менга ёрдам беринг. Эртага шанба ва индинга якшанба кунлари бўладиган ҳашарга ҳар бир мактаб директори бош бўлиб, 2—3 эркак ўқитувчи (эски кийим, қурилиш асбоблари) билан келиб, 2 кун ҳашар қилиб юборасизлар. 2 маҳал иссиқ овқат бўлади.

Шунда ҳамма директорлар баробар: «албатта, қатнашамиз!» — деб сўз беришди.

Шу куннёқ Шораҳим ака колхоз раиси Шодиев ва хўжалик мудири Каримовни топиб, 15-мактаб биноси олдига олиб боради. Аҳволни кўрсатгач, бу мактабда сенлар раҳбарлик қилаётган колхознинг болалари ўқийди-ку, қараларингда, ҳатто ҳожатхонаси ҳам йўқ. Агар келгусида жойларингда қолишни истасанглар, керакли қурилиш материалларини етказиб берингглар. Икки кун 50 дан ортиқ директор бошлиқ ўқитувчилар ҳашар қиладилар. Шуларга икки маҳал иссиқ овқатини ҳам тўғрилаб берасанлар, — дея талабни қаттиқ қўйди.

Ҳақиқатан ҳам шанба, якшанба куни ўтазилган ҳашарда 100 дан ортиқ одам қатнашди. 27 август куни ремонт тугалланди. Собиқ мактаб директори Омонов ҳашарда лой кечиб, энг оғир ишни бажаради. Бу ишлардан хурсанд бўлиб кетган Шораҳим ака кечқурунги йиғилишда мактаб муҳрини яна Омоновга топшириб:

— Қилса бўлар экан-ку деб қўйди.

Ҳангомаларни оққа кўчирувчи Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ, республика фахрия педагоглар кенгаши раиси муовини.

СПОРТ

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

Избоскан туманидаги Нишонбой Жўраев номли 36-мактаб ўйингоҳида спортнинг 8 тури бўйича мусобақалар ўтказилди.

Мусобақада мактаб ўқувчилари билан бирга 2-ҳунар-техника билим юрти ва тумандаги 35-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этишди.

Спортнинг футбол, волейбол, енгил атлетика турлари бўйича ўтказилган мусобақада 36-мактаб ўқувчилари, 1000 метр масофага югуриш, баландликка сакраш бўйича эса 2-ҳунар-техника билим юрти спортчилари ғолиб бўлдилар.

Ш. КЕЛДИЕВ, жамоатчи муҳбиримиз.

ХОТИРА СОВРИНИ

Шукурмерган қишлоғидаги Ҳомиджон Исоқов номли 12-ўрта мактаб ўйингоҳида «Машъал» жамоа хўжалиги аъзоси Воҳиджон Холмирзаев отаси Исоқжон Холмирзаев хотирасига бағишлаб волейбол мусобақасини ўтказиш учун ўн минг сўм ажратди.

Ўн икки команда иштирок этган мазкур беллашувда 12-ўрта мактаб терма командаси фахрли I ўринни эгаллади.

А. ЭРАЛИЕВ, Марҳамат тумани.

Яқинда Бўстонлиқ туманида XVII республика «Саломатликнинг ёш дўстлари» спартакиадаси бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган ўқувчилар беморларга кўчада, уйда ва жамоат жойларида ёрдам кўрсатиш борасида беллашишди. Биринчи ўрин Тошкент шаҳри ва Боғот тумани қишлоқ мактаблари ўқувчиларидан ташкил топган командаларга насиб этди.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

Абдуҳамид ШЕРМАТОВ

Республика халқ таълимининг жонкуярларидан бири — кекса педагог Абдуҳамид Шерматов орамиздан кетди.

Абдуҳамид Шерматов бутун умрини ёш авлоднинг таълим тарбиясига бағишлади.

У кўп йиллик педагогик фаолияти, самарали меҳнати, ишларидаги ютуқлари учун ҳукуматнинг бир неча бор турли мукофотлари билан тақдирланди, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига сазовор бўлди.

Меҳрибон устоз, кекса педагогнинг таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари, ун нг ёрқин хотираси қалбимизда узоқ яшайди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги марҳумнинг оиласи ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ва саноат-педагогика факультети жамоаси умумтехника фанлари кафедраси доценти Р. Г. Исяновга отаси

Геннадий Моисеевич ИСЯНОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ва саноат-педагогика факультети жамоаси меҳнат таълимини ўқитиш услубиёти кафедраси ўқитувчиси Х. Одилбоевга отаси

Одилбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти раҳбарияти ва жамоаси табиий фанлар кафедраси мудири А. Аъзамовга онаси

Умри ХОЛМУҲАМЕДОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 4-санаторий мактаб жамоаси шу мактабнинг директори

Ғулом БАКИРОВ

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

МЕН СУРАТГА ТУШМАЙМАН!

Ҳажвия

Август ойининг сўнгги кунларида бошлиғим Қиёмий янги ўқув йилига тайёргарлик борасида роса икки соат маъруза қилди. Энди тарқаламиз деган ниятда бесаранжомлик бошланган ҳам эдики, Қиёмий столни чертди:

— Бир нафас азизлар, бир нафас... Мен бошлиқ эканман, сизларнинг қайғунгизга ҳам, шодлигингизга ҳам шерикман. Кипригингизга гард қўнмасин дейман. Кеча ярим кечаси, хўроз учинчи бор қичқирганда миямга бир фикр келди.

У ҳаммамизга зимдан кўз югуртирди.

— Шу десангиз, нега бизда кўргазмали тарғибот йўқ, — бунга ким айбдор? Биринчи ўринда мен бошлиқман, демак, мен айбдор. Модомики, шундай экан, бизда рассом борми, бор! Қўлидан безаш келади. Бўлди, эртадан у томон ҳам, бу томон ҳам, ҳув у томон ҳам, орқа ҳам, олдин ҳам безалсин. Шундай безалсинки, қип-қизил, чўғ бўлсин. Дарвоқе, энг илғор биттаниккита ўқитувчи расмини сандиқдек қилиб ишлатиб қўйсак, бизни ким урушади? Ҳеч ким! Бу юксак жойга кимни лозим кўрасизлар? Бошлиқ бир лаҳза сукутга чўмди. Сўнг сўзни ўқитувчи Назокатхонга берди:

— Ман, ман... Наби ака Кабир ўғлини муносиб деб ўйлайман. Қомати зўр, нақ филдек келади. Ёзуви ҳам бирам чиройли, бирам чиройли, худди каштадек. Тўртта тилни билади. Баҳорда Қизилдарёни у бетига сузганида «энди Наби Кабир ўғли ўлди» деб кўзимни чирт юмиб бундоқ қарасам у қирғоқда юрибди. Сузишни ҳам билади. Яна бола боғча, яна...

— Бўлди, бўлди. Демак, Наби Кабир ўғлини шу жойга муносиб деганлар тасдиқласин, — бошлиғим овозга қўйди. Бир овоздан тасдиқландим. Сурат ҳам ишланди. Чап қўлим олдинда, ўнг қўлим белимда харита олдида ўйланиб турибман. Икки ҳафта ўтгач, ташаббус билан Олақарға овулига пахта тергани кетдим. Рост-да расмим кенг даҳлизда икки саржин жойни банд қилиб турса-ю, мен тўққиз болам бор деб таранг қилайми?

Эндигина ишга тушаман деганимда, директор ҳузурида қисқача йиғилиш бўлди: — Ўртоқлар! Туманда хушхабар: пойтахтда бир ойлик малака ошириш курси иш бошлабди. Қани; кимни муносиб кўрамиз? Кўпчилик «ялт» этиб менга қаради. Бошлиғим кулиб деди:

— Ҳамма Наби Кабир ўғлига қараяпти. Демак, у кишини муносиб кўрасизлар. Мен розиман.

Кетдим. Асаларичилик бўйича бир ойлик курсни тугатиб қайтдим. Суратим ҳали ҳам даҳлизда ярқираб турарди. Бир ойни ўтказиб, баҳор ўз тароватини кўз-кўз қиламан-қиламан деганида яна йиғилиш бўлди. Наби Кабир ўғли энг демократик сайлов ўтадиган тарғибот маркази — қишлоқ кутубхонасига мудир бўлди. Бойчечак очган кунларда мактабни текширувчилар бир ҳафта ўрганишди. Новча, сариқ, фотомухбир мени гуллаган бодом тагида суратга олиш истагини билдирди. Текширувчилар бошлиғи эса: «йўқ, терак орасида тушсин бу рамзий маъно беради», — деди. Улар тортишиб кетишди. Худди шу дамда мактаб боғи орқасидан сўқмоқ орқали уйга «қуён» бўлдим. Кичик ўғлим Чингизбойнинг сочини олиш учун устарани қайраётганимда дарвоза тақиллади. Мактаб қоровули ҳансираб турар эди:

— Оқ кўйлак, қора шим кийиб тез борар эмишсиз. Суратқаш дарё бўйини танлабди. Мен ўз ишимни давом эттирдим. Яна дарвоза тарақлаб, қоровул кўринди.

— Хўжайин, мана бунн бериб юборди. Мен эзиб ичкига кўз югуртирдим:

— Биродарим Наби Кабир ўғли! Суратинг Тошкентга кетади. Тез бўл, Цветной ишланасан. Қиёмий.

Мен ўша ёзувни орқасига ўз истагимни билдирдим:

— Суратга тушмайман. Тўйдим суратдан! Ўзингиз тушаверинг. Дод!!!

Эркин ҲАСАН ўғли, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ДАВРА СУҲБАТИ

Пойтахтимиздаги 426-болалар боғчасида ўтказилган давра суҳбати боғча болаларига чет тилини ўргатиш масалаларига бағишланди. Унда турли вилоятлардан келиб, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида ўз билимини ошираётган бир гуруҳ тингловчилар ва бошқа мактабгача тарбия мутахассислари иштирок этдилар.

Давра суҳбати қатнашчилари боғчаларда чет тилини ўргатиш масалалари тўғрисида фойдали фикрлар билдиришди. Чунончи, дастур ва методик қўлланмаларга эҳтиёж кучли эканлиги алоҳида қайд этилди.

— Мактабгача тарбия муассасаларида чет тилини ўргатиш дастури, методик қўлланмалар ва бошқа зарур рисолалар тайёрлаб қўйилган. Шу йил октябрь ойида босмадан чиқади ва боғчаларга етказиб берилади, — деди ўз сўзида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармасининг бошлиғи Ҳамида Аҳмедова.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИДА 1993 ИИЛ 4 ОКТЯБРДАН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ РЕЖАСИ АСОСИДА НАВБАТДАГИ КУРСЛАР ИШЛАЙ БОШЛАЙДИ.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

Ноҳия (шаҳар) ХТБ мудирлари — ўзбек гуруҳи 4—16 октябрь.

Ноҳия (шаҳар) ХТБ назоратчилари — ўзбек гуруҳи 18—30 октябрь.

Вилоят ЎМОИ директорлари — ўзбек гуруҳи 11—16 октябрь.

Ўрта мактаб директорлари — ўзбек гуруҳи 4—30 октябрь.

Физика бўйича ноҳия (шаҳар) метод-маҳкама методистлари — ўзбек гуруҳи — 4—30 октябрь.

Математика ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи 4—30 октябрь.

Олий ва I тоифали бошланғич синф ўқитувчилари (1—4-синфлар) — ўзбек гуруҳи 4—30 октябрь.

Янги дастур бўйича ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчилари учун мақсадли курс (ККР) — ўзбек гуруҳи 11—16 октябрь.

Олий ва I тоифали ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи 4—30 октябрь.

Олий ва I тоифали биология ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи 4—30 октябрь.

Олий ва биринчи тоифали география ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи 4—30 октябрь.

Ёрдамчи мактабларнинг бошланғич синфлар меҳнат таълими (қўл меҳнати) ўқитувчилари — аралаш гуруҳ 4—30 октябрь.

Олий ва I тоифали жисмоний тарбия ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи 4—30 октябрь.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директорлари ва директор ўринбосарлари — ўзбек гуруҳи 18—30 октябрь.

Тарих бўйича ноҳия (шаҳар) методмаҳкама методистлари — ўзбек гуруҳи 4—16 октябрь.

Рус тилида ўқитиладиган мактаб мусиқа ўқитувчилари — рус гуруҳи 4—30 октябрь.

Ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларнинг рус тили ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — рус гуруҳи 4—23 октябрь.

Ноҳия (шаҳар) методмаҳкамаларининг дарсликлар бўйича кутубхона методистлари — ўзбек гуруҳи 4—23 октябрь.

«Одобнома» бўйича маърузачилар гуруҳи — ўзбек гуруҳи 4—16 октябрь.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл ҳаражатлари ва суткалик ҳақлари институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курс тингловчилари санатория-курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторияга жойлашишлари мумкин.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар Саидов кўчаси 6-уй. Талабалар шаҳарчаси.

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир: Саъдулла ҲАКИМ
Таҳрир ҳайъати:
Умида Абдуазимова, Ашурали Аҳмедов, Алишер Каримов, Ғаффор Маннопов, Абдулла Орипов, Тотлимурод Отамуродов, Маҳкам Раҳмонов, Маҳмуд Саидаҳмедов, Баҳром Қодиров, Бегали Қосимов, Абдусами Ҳақбердиев /масъул котиб/.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, 700083,
Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
масъул котиб — 32-54-17,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000040.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-549. 91379 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2.

Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.30. 1 2 3 4 5 6.